






# ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 27 ноябрь, пайшанба • 48 (3524)-сон

Терроризм нақадар хавfli эканлиги ва у мамлакат, миллат танламаслиги, бу иллатга қарши барча халқлар биргаликда курашиши лозимлигини Президентимиз нуфузли доираларда кўп бора таъкидлаган эди. Жумладан, жорий йилнинг май ойида Москва шаҳрида ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари самити ва июль ойида Алматида бўлиб ўтган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашида ҳам терроризмга қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш долзарб вазифа эканлигини айтиб ўтди. Мазкур масала кенгашларда қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топди. Кейинги вақтда дунёнинг турли шаҳарларида амалга оширилган қўпоровчилик ҳаракатлари бу офат инсониятга хавф солиб турганлигини яна бир карра исботлади. Демакки, тинчлигимиз, осойишталигимизни кўра олмайдиган қора кучлар бор экан, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлмоғимиз даркор.

## ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК!



### УШБУ СОНДА: ТАҲЛИЛЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

«Ҳар қандай тадбирга жиддий тайёргарлик қўрилгандагина кўзланган натижани берилади. Шу маънода республика ИИБ ИҚББда бўлиб ўтган йиғилиш келгусида катта самара бериши шубҳасиз...»

2

### ОТА СУПРАСИДА НОН ЕГАН...

«Ота-боболаримиздан ёшликлари ҳақидаги хотираларини кўп эшитганмиз. Уларга осон бўлганми, улар меҳнат қилишмаганми? Тирикчилик, бир бурда нон топиш – қора қозонни қайнатиш учун не кўйларга тушишмаган?...»

13

### «ОНАМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕР!»

«Ҳар нима бўлгандаям Салима икки норасидаси, ўз шаънини ўйлади. Яхши умидлар билан чиққан ота хонадонига бош эгиб бориш, эл-юрт олдида уларнинг юзини шувут қилишни истамди...»



15

### «МУҲАББАТ ҲАҚИДА КУЙЛАМОҚЧИМАН»

«Ёшлигимда стоматолог бўлишни орзу қилардим. Дадам рассом. Ўзим ҳам ахён-ахёнда расм чизиб турардим. Кейинчалик кўшиқчилик санъати-га меҳрим ортиб борди...»



16



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг «ПОСТДА» ва «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON» ва «ЎЗИТ» журналларига 2004 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

## АЗИЗ! МУШТАРИЙЛАР!

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета ва журналларда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, "Саломат-

лик сабоқлари", "Ниҳол", "Сулота", "Ибрат" каби саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366) «На посту» – 169 (367)  
«Qalqon» – 970 – (1083) «Ўзит» – 971 – (1084)

## УСНИНЧИ «Постда» gazetasi ning ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLAR, INTERNET XABARLARI

TV OLAM

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## ТАҲЛИЛЛАРГА БОЙ БЎЛДИ



Хар қандай тадбирга жиддий тайёргарлик кўрилгандагина кўзланган натижани беради. Шу маънода республика ИИБ ИҚББда бўлиб ўтган йиғилиш келгусида катта самара бериши шубҳасиз. Унда Ички кўшинлар хизмат-жанговар фаолиятининг яқунлари кўриб чиқилди. Республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов ўз сўзида ҳукуратимиз Ички кўшинларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш борасида доимо ғамхўрлик қилиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Кун тартибидagi асосий масала бўйича республика ИИБ Ички кўшинлар кўмондонининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи, подполковник Н. Усмонбеков қилган маъруза чуқур таҳлилга бой бўлди. У ўтган ўқув йилида кўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл кўйилган айрим камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида ҳам тўхталди.

Сўзга чиққанлар ва муҳокамаларда иштирок этганлар жанговар шайликни янада ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён

этдилар. Хусусан, ўқув машгулотлари савиясини бундан ҳам юксалтириш, тарбиявий ишларда илғор усуллар, жамоат ташкилотлари имкониятлари, матбуотдан самара-

ли фойдаланиш лозимлиги айтилди.

Республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техник билим юрти бошлиғи, генерал-майор Ш. Ниёзов сўзга чиқиб, мала-

кали офицер кадрлар тайёрлаш борасида мазкур таълим муассасаси, Ички ва Қоровул кўшинларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги хусусида гапирди.

Ўқув йили яқунлари бўйича илғорликни кўлга киритган жамоаларга кўчма вимпел ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Йиғилиш якунида республика ИИБ Ички кўшинлар кўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов ҳарбий жамоаларнинг келгуси



Ўқув йилидаги вазифаларини белгилаб берди.

Ўз мухбиримиз. Суратларда: йиғилишдан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## «АДИС СОНДА» ҚУЛАЙЛИК ЯРАТДИ

Тошкент вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ходимлари жорий йилнинг 9 ойи давомида ҳудудда жиноят содир этилган жойларни кўздан кечириб, 120 га яқин жиноятни фош этишди.

Мамлакатимиз ҳудудида гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда етиштириш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланаётган кимсаларнинг найранглари фош этиш ҳамда ўзгалар мол-мулкига кўз олайтириб, ўғирлик қилган шахслар қолдирган бармоқ изларидан кўплаб жиноятлар очила-

ти, – дейди вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, милиция майори Неъмат Раимқулов. – Бундан ташқари бошқа турдаги жиноятларни фош этишда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам бераёلمиз. Фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида ҳозирда «Адис Сонда» компьютер тизими ишга туширилган. Ушбу тизим жиноятни иссиғида очишга яқиндан кўмак беради.

Ўтган вақт ичида ЭКБ ходимлари трасология, ўқотар ва совуқ қуроллар, автотехника ҳамда транспорт трасологияси, хатшунослик, ҳужжатларни тех-



ник тадқиқот қилиш каби экспертиза турлари бўйича 2000га яқин тадқиқот ишлари олиб боришди.

М. МУҲИТДИНОВА. Суратда: «Адис Сонда» тизимида ишлаётган экспертлар, милиция лейтенантлари А. Юлдошев ва Ф. Рўзметовлар.

Д. ПАРПИЕВ олган сурат.

## Республикаимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

Ёнгин офатининг олдини олиш ва содир бўлганда уни тезда бартараф этиш ишларини янада такомиллаштириш, тизимни замонавий техника ва асбоб ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор билан қаралаёпти. Чунки ёнгин офати натижасида халқ хўжалиги, хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларга кўплаб моддий зарар етляпти. Уй-жойлар ёниб кетиб, энг ачинарлиси фуқароларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига олиб сабаб бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида республикаимизда ўн уч мингдан ортиқ ёнгин содир бўлгани қайд этилди. Уларнинг аксарияти, яъни етмиш фоиздан ортиғи аҳоли яшаш жойларида рўй берди. Ана шу кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида республикаимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ойлик бошлангандан бери ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қирқ фоизга камайди. Офат натижасида жароҳат олган ёки бевақт ҳаётдан кўз юмганлар бўлмади. Таҳририятимизга ойликнинг бориши ҳақида жойлардан хабарлар келиб турибди.

**ТОШКЕНТ.** Пойтахт туманларининг ёнгин хавфсизлиги бўлимлари, sanoat корхоналарига хизмат кўрсатувчи ўт ўчириш қисмлари раҳбарлари ва мутахассислари иштирок этган кенгайтирилган йиғилишда ойлик тадбирида кенг жамоатчилигини, хусусан, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини жалб этишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тошкент шахрининг Ҳамза туманида ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан ошган. Шу боис ҳам туман ИИБ ЭХБ ходимлари тадбирнинг дастлабки куниданоқ аҳоли турар жойларида бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш борасида тушунтириш ишлари ва суҳбатлар ўтказишни янада кучайтирдилар. Туманда жойлашган sanoat корхоналари ва ташкилотларда эса хавфсизлик талабларининг бажарилишини назорат қилиш учун текширувлар ўтказилляпти.

**ҚАРШИ.** Муборак газни қайта ишлаш заводиди

## ҲАМКОРЛИКДА ҲАРАКАТ ЗАРУР



ёнгиндан муҳофаза қилувчи 2-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги отрядининг ходимлари ва мутахассислари тадбирни ёнгиндан ҳабар берувчи автоматик қурилмаларни текширишдан бошладилар. 3-цех маъмурий биноси ва операторлар хонасига ўрнатилган ёнгиндан дарак берувчи қурилмалар носоз аҳволда эканлиги аниқланди. Шунингдек, корхона ишчи ва хизматчилари билан хавфсизлик қоидалари бўйича машгулотлар ўтказилляпти.

**БУХОРО.** Вобкент туманида рўй бераётган ёнгинларнинг хонадонларда газ печлари ва электр асбобларидан фойдаланишда эътиборсизлик қилинаётгани ва электр симларнинг қисқа туташуви натижасида келиб чиқаётгани қайд этиляпти. Шунингдек, олган ёнгин хавфсизлиги ходимлари профилактика инспекторлари билан биргаликда ҳар бир хонадондаги газ асбоблари ва электр тармоқларини кўздан кечириб чиқишяпти. Қоидабузарларга нисба-

тан тегишли чоралар кўриляпти. Зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

**САМАРҚАНД.** Содир бўлаётган ёнгинларда болалар иштирокининг камаймаётгани ташвишли ҳолдир. Болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, уларга газ ва электр асбобларини ишлатишни ишониб топшириб, назорат қилинмаслиги оқибатида кўнгилсиз ҳолатлар рўй бераёпти. Вилоят ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари асосий эътиборни мактаб ва болалар боғчаларида ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича кўргазмалар суҳбат ўтказишга қаратмоқдалар.

**ГУЛИСТОН.** Сирдарё вилояти ҳокимлигида республикаимизда ўтказилаётган муҳим тадбирни ташкил этиш бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг мутасадди раҳбарлари, корхона ва ташкилотлардан келган вакиллар ҳамкорликда иш олиб боришга, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, офатнинг олдини олишда

мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга келишиб олдилар.

**НУКУС.** Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ойлик тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Ҳозиргача 300га яқин корхона, ташкилот ва муассасалар текширилди. Хавфсизлик талабларига риоя этилмаётган ҳолатларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

**НАМАНГАН.** Ўтган иситиш мавсумида вилоятда ёш болаларнинг куйиш жароҳати олишлари кўплаб қайд этилганди. Ана шу кўнгилсизликлар қайтарилмаслиги учун жойларда ота-оналар билан суҳбатлар уюштириляпти, уларнинг эътиборини айнан электр ва газ асбобларини қаровсиз қолдирмаслик ва ёш болаларга ишониб топширмасликка қаратиш лозимлиги эслатиб ўтилмоқда. Мактаб ва болалар боғчаларида ёнгин хавфсизлиги мавзусидаги видеолавлар намойиш этиляпти.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА, Д. ҚАМБАРОВ.

Суратда: Самарқанд шаҳар Темирийўл туманидаги 29-болалар боғчасида ёнгин хавфсизлиги қоидалари бўйича машгулот ўтказилляпти.

## Халқаро алоқалар

## ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

**Наркотик воситаларининг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга чек қўймасдан туриб гиёҳвандликка қарши муваффақиятли курашиб бўлмайди. Ана шу мақсад йўлида халқаро ҳамжамиятнинг барча кучлари бирлашиши лозим.**

Ушбу йўналишда БМТнинг гиёҳвандлик моддалари ва жиноятлар бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонаси томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Яқинда ваколатхона республика ИИБ, МХХ, Давлат чегараларини кўриқлаш бўйича кўмитаси ва бошқа идораларига тезкор маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, алмашишга мўлжалланган стандартлашган тизим яратиш учун асбоб-ускуналар ҳамда дастурлар мажмуини топширди. Бу «Гиёҳвандлик моддалари ғайриқонуний айланишига қарши кураш соҳасида тезкор ва бошқа турдаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими» минтақавий лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

Экспертларнинг фикрича, ушбу дастурларни қўллаш гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний айланишига қарши кураш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради. Юқорида қайд этилган лойиҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига тезкор маълумотларни таҳлил қилишнинг янги усуллари ўргатиш ҳам кўзда тутилган.

БМТнинг мазкур бошқармаси минтақавий ваколатхонаси вакиллари айтишича, ҳозирда Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази тузиш таклифи кўриб чиқилапти.

Асбоб-ускуналар ва дастурлар мажмуини топшириш маросимида сўзга чиққан республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ бошқарма бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги С. Копёнкин халқаро ташкилотларга гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланишига қарши курашга қўшган катта ҳиссаси учун миннатдорчилик изҳор этди, ўзаро ҳамкорлик янада чуқурлашишига ишонч билдирди.

Ўз мухбиримиз.

Огоҳлик — масъулиятдир!

**Сочларига қиров қўнган, гоҳ ўйчан, гоҳ кулиб гапирувчи, истараси иссиқ бу одамни маҳалла аҳлининг кўпчилиги "Миша ака" дея эъзозлашади. Киктев Михаил Митрофанович асли биолог олим. Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва экспериментал биология илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари номзоди. Дунёда энг тезпишар "Ан — чиллаки 1" пахта навини шу киши яратган. 80 дан ортиқ илмий мақолаларнинг муаллифи. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.**

рияги жанжалсиз амалга ошмаяпти. Сабаби, унинг лойиҳаси тузилганда кўни-кўшниларнинг фикри инобатга олинмади. Натижада ўзаро низолар келиб чиқаяпти. Базан оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳам бартараф этишга тўғри келмоқда. Комиссия аъзолари аризаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, кўп ҳолларда томонларни яраштиришга муваффақ бўлишяпти.

— Ушбу масканда 30 йилдан бери яшайман, — деди меҳнат фахрийси Б. Шубин. — Фаровон турмушимиздан кўнглим тоғдек кўтарилди. Тинч-осойишта яшашга нима етсин! Дунёнинг турли бурчларида рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари, хусусан, ўтган ҳафтада Истамбулда амалга оширилган портлашлар кўпчилик ҳамюртларим қатори мени ҳам ташвишга солди. Хунрезлик оқибатида ўнлаб бегуноҳ одамлар оламдан ўтган, юзлаб киши эса жароҳат олган. Ғарз ниятли кимсалар томонидан содир этилаётган бундай хатти-ҳаракатлар ҳеч кимни бепарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Шукурлар бўлсинки, юртимиз тинч,

одамлар хотиржам яшяпти. Кўлга киритилган бу бойлигимизни сақлаш, юқоридаги каби воқеалар бўлмаслиги учун ҳар биримиз хушёр бўлиб, янада

маҳкамроқ жипслашимиз зарур. Маҳалла оқсоқоли ана шу вазифанинг бажарилишида фаоллик кўрсатмоқда.

Таъкидланган саъй-ҳаракатлар маҳаллада тинчлик ва осойишталикни сақлаш, пировардида ободчилик ишларини амалга ошириш имконини бермоқда. Хусусан, кейинги қисқа вақт ичида "Ўзуйжойжамғармабанк" "Ўзтрансгаз" идоралари, туман ИИБ, "Шерзод Шухрат ўғли", "Энглис фуд" дўконлари, "Али тўр", "Диёр" фирмалари ва бошқа ҳомий ташкилотлар кўмагида замонавий маҳалла гузару қурилди, Ракатбоши, Юнус Ражабий, Самарқанд, Афросиёб, Мухаммадамин ота кўчаларига асфальт ётқизилди. Уйларнинг олди, ариқлар тартибга келтирилиб, манзарали дарахтлар ва гуллар ўтқазилди. Байрамларда кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва боқувчисини йўқотган кишиларга ун, шакар, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилаяпти. Айтаверсангиз гап кўп, йил бошидан буён маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари шаънига фақат илиқ сўзлар айтилганининг гувоҳи бўласиз.

— Ҳали қиладиган ишларимиз кўп, — деди суҳбат якунида М. Киктев. — Сайлов пайтида маҳалла болаларига касб-ҳунар ўргатувчи устахона очиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Конституция ва амалдаги қонунлар ўрганилишини кенг йўлга қўйиш, спорт ишларини янада ривожлантириш, уйларни ўзбошимчалик билан қайта қуриб, уларнинг сейсмологик ҳолатига путур етказилишига йўл қўймаслик, кўчаларни озода тутиш каби бир қанча масалалар ўртага ташланди. Фуқароларимиз ҳозиргидек тотув ва огоҳ бўлиб яшасалар бу ва бошқа вазифалар ҳам кўнгилдагидек удаланади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

# ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

**Террор тинчлик-осойишталикнинг қушандосига айланиб бормоқда. Бу офат бирор мамлакат ёки миллат танламайди. Унинг иши кўпуровчилик, бузғунчилик, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлишдан иборат. Давр ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлишни тақозо этмоқда. Негаки, терроризм бизга раҳна солмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шу боис барча кўча-кўйдами, ишхонадами, турар-жойдами сергак бўлиши, лоқайдликка берилмаслиги талаб этилади.**

Шу йил июль ойида Тошкент шаҳри фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда иштирок этган республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов терроризмни қоралаб, шундай деганди: "Халқаро террорчи ва диний-экстремистик ташкилотларнинг ёвуз қилмишларидан нафақат бизнинг халқимиз жабр чекди. Дунёга назар ташлайдиган бўлсак, улардан жабр кўрмаган халқнинг ўзи йўқлигига амин бўламиз. Индонезияни олаимизми, Филиппинни олаимизми ёки АҚШни олаимизми — ҳаммаси террорчилардан азият чеккан".

Ҳа, террор балосидан қанча давлатлару элатлар жабр кўрди. Яқингинада Туркиянинг Истамбул, Саудия Арабистоннинг Ар-Риёд шаҳарларида содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари оқибатида кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Хунрезликни ўзларига касб қилиб олган "Ал-Қоида" ташкилоти жангарилари пана-пастқам жойларда пусиб ётиб, лоқайдликка йўл қўйилган ҳудудларда ғарз мақсадларини амалга оширмоқдалар. Демакки, юртимиз фуқаролари ҳам тева-рак-атрофга зийраклик билан эътибор беришлари лозим.

— Бозорга бир кунда минглаб одамлар келиб-кетди, — дейди пойтахтимиздаги Олой бозори ҳудудида жойлашган милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, милиция майори Жаббор Бўронов. — Кўринадиган

жойларга огоҳликка чақирувчи варақалар осиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг "Ишонч телефонлари" рақамини ёзиб қўйганимиз яхши самара беряпти. Бозор маъмурияти билан ҳамкорликда маҳсулотларини юк машинада олиб келувчилар доимо назорат қилиб борилмоқда. Фуқаролар бирор шубҳали буюм ёки шахсни кўрганларида зудлик билан хабар беришларини бозор радиоси орқали бот-бот эслатиб тураемиз. Бундан ташқари савдотик қилаётган ҳамда ҳудудимиздаги турар-жойларда яшаётганлар паспорт тартиботи қоидаларига амал қилишлари текшириб борилаяпти. Бундай тадбирларни кўпроқ маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари ҳамда паттачилар билан ҳамжиҳатликда ўтказмоқдамиз.

— Биз кун бўйи бозордамиз. Шу боис телевизор кўриш, газета ўқишга имкониятимиз йўқ, — дейди сотувчи А. Иминов. — Дунёда бўлаётган воқеалардан бохабар бўлолмаймиз. Яқинда бу ерга Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташриф буюриб, кейинги пайтда содир этилган кўпуровчилик ҳаракатлари ҳақида гапириб беришди ва хушёр бўлишимиз лозимлигини уқтиришди.

Огоҳликка даъват қилиш биргина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши дейдиганлар жуда янглишишади. Ҳамма бирини хушёрлик, огоҳликка чақиритишни инсоний бурчи, деб билгандагина ҳар қандай кўнгилсизликларнинг олди олинади. Хонадонимиз тинч-тотув, юртимиз янада гуллаб яшнайверади.

Қобилжон ШОКИРОВ.

## ТИНЧ ЭЛНИНГ БОҒИ ГУЛЛАР

Михаил Митрофанович таржимаи ҳолидаги мазкур чизгилар бежиз келтириляётгани йўқ. У илмий изланишлар олиб бориш билан бирга пойтахтнинг Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий маҳалласига бошчилик қилаяпти. Бор билими ва ҳаётий тажрибасини эл фаровонлиги, ўзи раҳбарлик қилаётган масканда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ёшлар тарбиясига сарфламоқда. Самимий, дилкаш, ўзбек тилида бемалол гаплаша оладиган бу инсон яқинда фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда яна етакчи этиб сайланди. Бўлмаса номзодлар уч нафар эди. Аҳоли раҳбарликка яна уни лозим топибдими, демак, бунинг жиддий сабаблари бор.

Сайлов муносабати билан ўтказилган мажлисда сўзга чиққан кишилар унинг ўзига хос фазилатларини тилга олишди. Кимдир ишбилармон деди, бошқа биров одамларнинг гам-ташвиши билан яшашини айтди. Биз эса маҳалла оқсоқоли фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — маҳаллада тинчлик ва осойишталикни сақлаш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларига эътиборни қаратдик.

— Шу йил июль ойида Навоий номили Санъат саройида шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳалла оқсоқоллари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида "Огоҳлик — масъулиятдир!" мавзюда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда мен ҳам қатнашган эдим, — деди М. Киктев. — Унда республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги Зокиржон Алматов терроризм бутун дунёга хавф солаётган офат эканлиги, унга қарши биргалашиб курашиш зарурлигини кўнрақлик билан таъкидлади. Ана шу тадбирдан сўнг маҳалламиз фаоллари билан кенгашиб аҳолини огоҳликка даъват этиш бўйича қилиниши зарур бўлган режаларни белгилаб олдик. Профилактика инспекторлари маҳалла посбонлари ва коммунал хизмати ходимлари билан кўп қаватли уйларнинг ертўла ва чордоқларини яна бир бор кўздан кечириб чиқишди. Носоз эшиклар таъмирланиб, кулфлар ўрнатилди. Маҳалла гузару, мактаб ва бошқа аҳоли гавжум жойларда "Огоҳлик — давр талаби", "Доим хушёр бўлайлик!", "Ўз уйингни, маҳаллангни ўзинг асра!" каби мавзуларда мунтазам суҳбатлар ўтказилаяпти. Булар эса одамларнинг хушёр яшашига ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирда ҳудудда икки мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Маҳалла паспортига кўз югуртирганимизда бирорта ҳам нотинч оила қайд этилмагани маълум бўлди. Демак, ушбу ғўшада ичкиликбоз, ги-

ёҳванд ёки жанжалкаш фуқаролар йўқ. Бундай ютуққа эришишнинг ўзига хос сабаблари бўлиши керак, албатта. Биз шу масала билан қизиқдик.

Таъкидлаш жоизки, одамларни маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш диққат марказида. Шу маънода аҳоли ўртасида маданий-маънавий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳудудда бадиий ва санъат институти ҳамда 91-мактаб жамоаси билан ҳамкорликда маҳалла номи билан аталаётган бастакор Юнус Ражабийнинг оила аъзолари билан учрашув, ёшларни диний-экстремистик

оқимлар таъсиридан сақлаш ҳақида жомеъ-масжид имом-хатиби Миродил домла билан суҳбат, "Намунали оила", "Ибротли келин", "Энг ибротли ҳовли" каби танловлар ташкил этилаётгани хонадонларда тинчлик ва тотувлик мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этаяпти.

Профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти Мансур Тургунов ўзининг икки ҳамкасби, маҳалла посбонлари билан биргаликда жамоат тартибини сақлаш, паспорт тартиботига амал қилиниши, ёшлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишга бош-қош бўлишяпти. Милиция таянч пункти ва маҳаллада вилоятлардан келиб, хонадонларда қурилиш ёки таъмирлаш ишларини бажараётган усталарнинг рўйхати мавжуд. Расим Мамедов, Умид Одилов, Мақсуд Нишонов каби маҳалла посбонлари ҳудудга келган бегона кишиларнинг юриш-туришини мунтазам назорат қилиб борадилар.

— Маҳалланг тинч, юртинг тинч, деб бежиз айтишмаган, — деди маҳалла посбонлари сардори Р. Миржўраев. — Мен ва ўн нафар кўмакчиларим профилактика инспекторлари раҳбарлигида тинчликни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга масъулмиз. Маҳалла кўмитаси томонидан тасдиқланган жадвал бўйича тунги навбатчилик ташкил этилган. Белгиланган жойларда фаол ҳаракат қилаётганимиз ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олди олиншида қўл келаяпти. Аҳоли ўртасида мунтазам профилактик ишлар олиб борилаётганлиги сабабли ножўя хатти-ҳаракатлар кузатилмаяпти.

Шу туйғайли майда ўғирликлар ҳисобга олинмаса йил бошидан бери бирорта ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилмади. Тўғри, яраштириш комиссияси раиси Р. Мақсудхўжаевага иш топилиб турибди. Зеро, маҳаллада нима кўп-қурилишлар кўп. Аммо уларнинг акса-



Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари фахрийларининг ёш ходимлар билан учрашиб, уларга ўз иш тажрибаларини ўргатиб бориши аънаанага айланган. Навбатдаги "Устоз ва шогирд" тадбирида вилоят ҳудудида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларидан бирида касб сирлари, ички ишлар ходимининг муомала маданияти ҳақида гап борди.

Суратда: вилоят ИИБ фахрийлар кенгашининг раиси, истефодаги милиция полковниги М. Бобоев учрашувдан сўнг ички хизмат майори Э. Бобоқулов ҳамда ички хизмат кичик сержанти Ш. Дониёровларни қизиқтирган саволларига жавоб бермоқда.

С. ОМОНТУРДИЕВ олган сурат.

## «Жасорат» медали соҳиблари



**“Пост-патруль хизмати ходими жасур, зийрак ва матонатли бўлиши, ўзига топширилган ҳудудда осойишталикни сақлаш учун бор маҳоратини ишга солиши лозим”.** Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказини тамомлаб, янги иш бошлаган Абубекир тажрибали ходимлардан эшитган бу сўзларни дилига жо қилиб кам бўлмади. Касб сирларини пухта ўзлаштириб, хизматда яхши кўрсаткичларга эришяпти.

## ЗИЙРАК МИЛИЦИОНЕР- ҲАЙДОВЧИ

Абубекир Шукуровнинг дастлабки меҳнат фаолияти 1997 йил сентябрь ойидан Тошкент шаҳар ИИББ 2-МПХ полкида кечди. Оддий милиционер бўлишига қарамай ҳамкасблари орасида ташаббускор ва ташкилотчилиги билан ажралиб турарди. Орадан икки йил ўтиб уни шаҳар ИИББ ППХ бригадаси 3-батальони, 2-отрядига ўтказишганда белгиланган йўналишларда ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва осойишталикка эришиш бўйича анча тажриба тўплаган эди. Шу боис у масъулиятли вазибаларни ҳам кўнгилдагидек уддалай бошлади.

Айни пайтда отрядда милиционер-ҳайдовчи бўлиб ишлаётган А. Шукуров иштирокида йил бошидан буён ўнлаб жиноятлар изи совимай очилди. Кези келганда жароҳат олса ҳам қасамёдига содиқ қолиб постни ташлаб кетмади. Ўшанда у тунги соат 00.10ларда А. Икромов тумани 25-мавзедда хизмат вазифасини ўтаётган эди. Себзор ва Заргарлик кўчалари кесишган чорраҳага “ВАЗ – 2103” русумли автоташна келиб тўхтади. Машинанинг олди ўриндигида ўтирган кавказ миллатига мансуб фуқаро шубҳали кўринди.

Кечирасиз, шахсингизни тасдиқловчи бирорта ҳужжатингиз бор-

ми? – сўради Абубекир машинага яқинлашиб.

Аммо йўловчи ҳужжатини кўрсатиш ўрнига машинадан тушиб, қоча бошлади. Абубекир уни ушлаб, туман ИИБ навбатчилик қисмига олиб бориш мақсадида ортидан қувиб кетди. Унга етай деганда қочоқ тўхтаб ортига ўгирилдида пичоқ билан ҳамла қилди. Буни кутмаган Абубекир ўзини ўнглаб олишга улгурмай кимса чап ва ўнг оёқларининг сон қисмига бир неча марта тиг санчди. Кучли оғриқ ва жароҳатдан оқаётган қон посбоннинг иродасини бука олмади. У таъқибни давом эттириб, қуролланган К. Чемшидни (кейинчалик аниқланди) жиноий ашёвий далил билан қўлга олишга муваффақ бўлди.

Чапдаст ППХ ходими ҳаётдан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. У ўзи ва атрофдагиларга нисбатан талабчан, ҳар бир топшириқни масъулият билан бажаради. Милиция сержанти А. Шукуров Мустақиллик йилнинг 12 йиллиги арафасида “Жасорат” медали билан тақдирлангани ҳам бунинг тасдиғидир.

Хизмати муносиб тақдирлангани сирдарёлик йигитни янада руҳлантириб, кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

Ш. САЪДИЕВ.

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги олдидан

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ – ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Конституциямизнинг XV боби оммавий ахборот воситаларига бағишланган. Бу бобда фақат битта – 67-модда мавжуд бўлиб, унда мазкур соҳанинг ҳуқуқий мақомига қисқа ва аниқ жавоб берадиган қоида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон тарихида қабул қилинган илгариги Конституцияларда оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳеч қандай қоида белгиланмаган эди. Чунки совет давлатчилиги даврида ошкоралик ва демократияни амалга ошириш халққа тегишли деб кўрсатиларди.

Ўзбекистон илк мустақиллик гоёларини, ошкоралик, демократия тамойилларини давлат ва жамият ҳаётида, кишилар онгида ривожлантиришни давлат механизми, яъни бошқарувининг бир бўғини сифатида қабул қилди.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида” Қонун қабул қилди. Ушбу қонун асосида оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳуқуқлари биринчи марта кенг намоён бўлди. Яъни уларнинг фаолияти: “Ўзбекистон ССРда чиқадиган китоблар, газета ва журналлар, даврий хабарномалар асосан давлат тилида нашр қилинади. Шунингдек, эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда рус тили ва бошқа тилларда ҳам нашр этилади. Телевидение кўрсатувлари ва радио

эшиттиришлари асосида Республика давлат тилида олиб борилади” дея белгилаб қўйилди.

1993 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига кўра ҳар йилнинг 27 июни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини, деб эълон қилинди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари, адабиёт, санъат ахлининг ўз меҳнатларига бўлган ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормалари асосида, “Муаллифлик ҳуқу-

қининг ҳар қандай шаклларидаги фаолияти давлат томонидан тартибга солиниб, кафолатлини белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида” қонун қабул қилди. Ушбу Қонун журналистик фаолият билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиди. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чо-

раларини белгилайди. Шунингдек, журналистдан хабар ва материалларни олдиндан келишиб олиш ёки уларни нашр этиш ё эфирдан бутунлай олиб қолишни талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлиги мустаҳкамланди. Бу эса конституциявий қоидага кўра журналистлар фаолиятида цензурага йўл қўйилмаслигини таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси журналистларининг мамлакатимиз ҳудуди ва унинг ташқирисидда фаолият кўрсатишларининг барча тартиб қоидалари белгилаб берилди.

1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мукамал равишдаги “Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Бу Қонун оммавий ахборот воситалари ходимларининг мустақиллигини, эркинлигини, Конституциямиз ва ушбу Қонун асосида ошкор фаолият юритишларини таъминлаб, мустаҳкамлайди.

Д. АҲМЕДОВ,  
Тошкент Давлат юридик  
институтининг доценти.

## Фидойи ҳамкасбларимиз

## УСТОЗ ПОСБОНЛАР

Пайриқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлини маси гуруҳ сардори, милиция старшинаси Октябр Эржигитовнинг ички ишлар идораларидаги фаолиятига ўн етти йилдан ошди. Оддий милиция ходими сифатида иш бошлаган О. Эржигитов ўзининг хушмуомалалиги, самимийлиги, вазифасига сидқидилдан ёндашиши туфайли жамоада обрў-эътибор топди. Устозлар насихатига қулоқ тутиб, билмаганларини улардан ўрганди.

Айни кунларда у сардорлик қилаётган гуруҳ банк муассасаларини қўриқлайди. Бу масъулиятли вазифа кўнгилдагидек удаланаётгани туфайли улар бир неча марта раҳбарият томонидан рағбатлантирилди. Эришилаётган ютуқларда сардорнинг хизмати катта. У қўл остидагилардан аввало муассасага келиб-кетадиган фуқаролар билан яхши муомалада бўлиш, қоидабузарлик ҳолати сезилса, уларга тўғри тушунтириш лозимлигини уқтиради.

Гуруҳ ходимлари милиция старшинаси Даврон Бекмирзаевни ҳам устоз дея эъзозлашади. У ўн беш йилдан бери шу соҳада фидойилик кўрсатиб, ёшларга хизмат сирларини ўргатапти. Улардан ўз ёрдани аямайди.

Туман ИИБ раҳбарияти бу икки ҳамкасбнинг фаолиятини муносиб баҳолаб, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатади.

А. ҒУЛОМОВ,  
милиция майори.



Гулистон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда бир неча фуқародан ноқонуний сақланаётган ўқ отар қуроллар олинди. “Боёвут” жамоа хўжалигидан Б. Бойчўраев ва “Уч қахрамон” жамоа хўжалигида яшовчи С. Хванлар “ИЖ” ҳамда “ТОЗ” русумли милтиқларни қонунга хилоф равишда сақлашгани учун жаримага тортилдилар.

Суратда: туман ИИБ эксперт-криминалисти, милиция лейтенанти Б. Қаршибоев олинган қуролларни кўздан кечирмоқда.

Қ. КАРИМОВ олган сурат.

## Мулоҳаза

## МЕҲР-ОҚИБАТ ЙЎҚОЛМАСИН!

“Инсонни инсон сифатида улуғловчи хислатлар – меҳр-оқибат, инсоф, диёнат, шарм-ҳаё йўқолса нима бўлади?” – дея сўрашибди донишманддан. У ҳеч иккиланмай: “Ҳаёт тугайди”, – деб жавоб берибди.

Хизмат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида бўлиб, кўплаб одамлар билан учрашганимизда улардаги илтифот, меҳр-оқибат, инсонийликни кўриб қалбимиз гурурга тўлади. Айниқса, тўй-ҳашамлар, маъракаларда бир-бирларига елкадош бўлишларидан қувонамиз.

Аждодларимиз удумлари, қадриятларимиз, маънавиятимизни ёшлар онгига сингдираётганимиз уларнинг янада ахлокли, инсоф-

диёнатли бўлишига олиб келаяпти, – деганди бир суҳбатда нуқсулик муаллима Бибисора Ешимова. – Лекин бир нарсани афсус билан айтиш жоиз. Баъзан ўсмирларнинг катталар назоратидан четда қолиб, ҳаёсиз, маънавиятимизга зид фильмларни томоша қилиши, дарсдан сўнг бўш қолиши ноҳўя ишларга қўл уришларига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун уларни фойдали ишларга жалб этиш чоралари кўрилади. Аввало болалар спорти-

ни астойдил ривожлантиришга киришдик. Катта ёшлилар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар эса, менимча, асосан спиртли ичимликка ружу қўйиш ёки эр-хотин, ота-бола, ака-укаларнинг ўзаро келишмовчилиги оқибатидир. Халқимиз “уруш-жанжалсиз уй йўқ” дейди. Тўғри, лекин арзимаган низои фожиага айлантириш ярамайди.

Муаллиманинг гапларида жон бор. Халқимиз ориятли, оқилдир. Аммо шולי курмакисиз бўлмаганидек, баъзан жоҳил кимсалар ҳам

учраб қолмоқда. Улар жаҳлга эрк бериб, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганларини кеч англашапти. Масалан, Кегейли туманида яшовчи, қирқ ёшни қоралаб қолган Ш. Ўтегенова ўзаро жанжал натижасида умр йўлдошини болта билан чапиб, ўлдирган. Нукус шаҳрилик пенсионер А. Худойбергеновнинг мурдаси уйдан топилди. Суриштирувларда уни ўз ўғли жаҳл устида пичоқ уриб, ўлдиргани маълум бўлди. Жаҳлини жиловлай олмаганлардан яна бири беруний-

лик Ю. Жапаков. У отасини бўғиб ўлдирган...

Бундай нохуш ҳодисаларни таҳлил қилганимизда қотилликларнинг сабаби ўз-ўзидан ойдинлашади – бир хонадонда яшовчи туғишганлар оқибат-сизлиги, бир-бирини тушунмаслик...

Бундай жиноятларнинг олдини олиш учун асрлар давомида сайқалланган қадриятларимиз, урф-одатларимиз, маънавиятимизни янада кенгрок тарғиб этиш лозим. Шу мақсадда ўқув муассасалари, маҳаллаларда олим у фузалолар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ўтказиладиган учрашув, суҳбатларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

М. АБДУЛЛАЕВ,  
милиция подполковниги.

# UCHINCHI «Поетга» gazetasining ilovasi

## TV O'LAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Ой боёеи ай пееи і еао

**Унинг собиқ хотини илгари сурган тахминлардан бирига кўра, Василий Макаровични заҳарлашган. Ким, нима учун бундай қабихликка қўл ургани ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Гўёки шундоқ ҳам ҳаммаси тушунарлидай. Кўпчилик ДХҚ, КПСС, Ёзувчилар уюшмасидан гумон қилишди. У кўп ичиш оқибатида эрта оламдан ўтди деб ўйлаганлар ҳам бўлди.**

Уста, Бондарчук билан Шукшиннинг муносабатларига келсак, улар бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишарди. Бондарчук шухратига ҳасад қилиб Василий Макаровични заҳарлаган, деган миш-мишлар ёлғон-яшиқдан бошқа нарса эмас. Шукшин ўлими арафасида Тихонов билан муштлашган, Бурков билан бўкиб ичган, деган гап-сўзлар ҳам фирт уйдирма.

Шукшин "Улар Ватан учун жанг қилдилар" фильмида сурат-



Аммо Шукшиннинг қандай вазиятда вафот этганини ўз кўзи билан кўрган инсонлар ҳали ҳам ҳаёт. Шундайлардан бири тиббиёт хизмати подполковниги Михаил Васильевич Крамаренкодир. Ярославда чиқадиган "Караван Рос" газетаси шундай ёзади: "Ўша пайтлар В. Крамаренко Шимолий Кавказ ҳарбий округида хизмат қиларди. Фильм Клецкая бекати яқинида суратга олинаётган эди. Тумонот одам тўпланган. Ҳарбийларнинг чодирлари Дон дарёси бўйига ўрнатилган. Қоидага мувофиқ лагерь қошида госпиталь фаолият кўрсатарди. Суратга олиш майдончасида ҳам албатта навбатчи шифокор ҳозир бўларди. Мухбиримиз Михаил Васильевичдан Шукшиннинг сўнгги кунлари ҳақида гапириб беришини сўради.

— Шукшин билан қандай танишиб қолган эдингиз?

— Никулин билан Шукшин бошқа актёрлардан эртароқ келиб, ўзлари ўйнаган роллари ҳақида гапириб беришди. Орадан бир неча кун ўтиб улар билан яқинроқ танишдик. Иккови ҳам қаҳва ичишни яхши кўрарди. Шукшиннинг оғзидан сигарет тушмас, доим "Помир" сигаретини чекарди, Никулин эса умуман чекмасди. Бир куни қарасам, Шукшин чекиб, қаҳва ичиб ўтирибди. Мен яқинда Кубада хизмат қилиб қайтгандим. У мамлакатдагилар тамакини ўзгача хуш кўришади. Василий Макаровичнинг ёнига бориб сигарет тутатдим, Куба ҳақида гапириб бердим. Шу тарзда бир-биримиз билан яқинроқ танишиб олган эдик. Кейинроқ бир кулгули воқеа юз берди. Шукшиннинг

## ШУКШИННИНГ



## ЎЛИМИ

бунга гувоҳ бўлган кишининг ҳикояси

"Микроскоп" деб номланган ҳикояси бор. Ўша ҳикоя қаҳрамони ойнага сув томизиб, микроскопда текшириб кўради. Мен ёзувчига ойнага сув томизилса ҳеч нарса кўринмайди, шиша бўлагига томизилса, бошқа гап, дедим. Василий Макарович хижолат чекди, ҳикояга тузатиш киритмоқчи ҳам бўлди. Кейин асар аллақачон чоп этилганини айтиб, қўл силтади.

— Суратга олиш гуруҳи аъзолари орасида қандай муносабатлар юзага келган эди?

— Ҳар хил. Никулин ҳамма учун Никулин эди! У барчага — аскарга ҳам, генералга ҳам бирдай муомала қиларди. Лапиковни Бобо, Шукшинни Макарич деб чақиришарди. Тихоновнинг лақаби Князь эди, Бондарчукники

га тушишни бошлаганида ичишни ташлаганига етти йил бўлганди. Бондарчук эллик ёшга тўлганида ҳам, Тихонов халқ артисти унвони олганда ҳам Василий Макарович оғзига ичкилик олмаган. Унинг мурдаси ёриб кўрилганда, ҳеч қандай заҳарланмагани аён бўлганди.

Энди ҳамма воқеалар ҳақида бир бошдан айтиб берай. 1974 йил 1 октябрь. Фильмнинг якуний қисмини суратга олиш бошланди: тирик қолган аскарлар Дон дарёси қирғоғига чиқишди. Эртаси куни тунги саҳна суратга олиниши: азамат жангчи Пётр Лопухин (Шукшин) ёш казак қиз (Мордюкова) никида меҳмон бўлиши керак эди. Ўша куни кечкурун Жора Бурков билан Шукшин ҳаммомда маза қилиб чўмилиш учун икки чақирим наридаги ҳарбий лагерга йўл олишди. Улар ўзлари "Дунай" теплоходида яшашарди. Қайтишганида ҳам мутлақо хушёр эдилар. Василий Макарович Жорага юраги оғриётганидан шикоят қилади.

Аксига олиб ўша куни теплоходда улардан бошқа ҳеч ким қолмаганди. Ҳамма хоккей бўйича СССР — Канада жамоалари ўйинини кўргани қирғоққа кетган эди. Навбатчи фельдшерга эса кема капитани уйига боришига рухсат берган экан. Бурков ҳарбий лагерга бормоқчи бўлганида, Шукшин тўхтатиб қолди. "Кўявер, ўтиб кетади, одамларни шундай ўйинни томоша қилишдан бебахра қилмайлик", — деди. Шундан сўнг ҳар қайси си ўз каюталарига кириб кетишди. Бошқа ҳеч ким қайтиб Шукшинни тирик кўрмади.

Эрталаб Бурков Василий Макаровичнинг каютасини тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермагач, ҳали ухлаётгандир-да, деган ҳаёлга борди. Орадан бирор соатлар ўтиб, яна келиб каютани тақиллатди, тагин жимлик. Эшикни очса, Шукшин қулочини икки томонга ёйганича ўлиб ётибди. Қўллари қотиб улгурган экан. Мурдани тобутга солиш қулай бўлсин, деб қўлларини бинт билан боғлаб тўриладим.

Кундуз соат бирларда госпиталга кинода суратга тушаётган полк командири Николай Дмитриевич Петренко югуриб келди. "Ҳамма зарур нарсаларни олиб машинага чиқ. Шукшин ўлди. Балки Бурковга ёки Бондарчукка ёрдамнинг керак бўлиб қолар", — деди. Кемага етиб келдик. Мен каютага кирдим. У ерда прокуратура ходимлари бор экан. Қарасам, Шукшиннинг бош томонида қаҳва ичадиган сопол кружкеси, тўшаги устида ўқиётган китоби турибди...

Уни машинага ортиб, аэродромга олиб бордик. У ердан санитария авиацияси самолётида Волгоград шаҳрига ёриб кўриш учун олиб кетдик. Шукшин ўткир юрак хасталигидан вафот этган экан. Ҳатто инфаркт бўлмаган. Ошқозон яраси ҳам топилмади. Мурдани темир тобутга солишгани, ҳеч кимга кўрсатишмагани ҳақидаги гаплар эса уйдирмадан бошқа нарса эмас. Шукшиннинг мурдасини Москвага оддий қутига солиб олиб келишган. Бундан олдин Волгограддаги офицерлар уйида бир ярим соатлар видолашув маросими бўлди.

Лагерга қайтиб келишим билан Петренко: "Бурковдан хабар ол. Унинг мазаси қочиб қолибди", — деди. Борсам, Жора каютада чўкка тушиб, бошини ҳам қилиб жимгина ўтирибди. Ҳансираб нафас олади. У яқин дўстининг ўлимидан қаттиқ қайғурган эди.

— Лидия Николаевна-чи?

— Хотиними? Қаёқдан билай.

У ўша пайт Болгарияда эди. Шукшин уни яхши кўрарди. ФелиНи деб чақиришарди. Бу Федосеева Лидия Николаевна дегани. Умуман, бу аёл ҳақида гапиргим келмайди. Менга Шукшиннинг яқин дўсти Василий Белов эрининг ўлимидан кейин Лидия Николаеванинг ишқий саргузаштларини лўнда қилиб бир сўз билан айтиб берган...



1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

Фойдали маслаҳатлар

Бу йилги ОИТСга қарши кураш кампанияси “Ўзинг яша ва бошқаларнинг ҳам яшашига имкон бер!” шиори остида ўтпти. Мазкур глобал эпидемия хавфи XXI асрда ҳам ўз долзарблигини йўқотганича йўқ.



## ЎЗИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ АСРАНГ

Назаримда Отабек бироз хижолатда эди. Чунки суҳбатимиз охирига етмаганди.

– Меҳмон, суҳбатни мен билан давом эттирсангиз, – деди Вафо ота астойдил хоҳиш билдириб. – Хоҳланг Хўжайи Жаҳонни, хоҳланг Бухорони зиёрат қилиб, иккимиз бир гурунглашсак, нима дейсиз? Мухбирларни чалғитиб, ҳуда-беҳудага гап сотиш одатим йўқ, 1959 йилда Тошкент Молия-иқтисод институтини тугатиб, тўпла-тўғри милицияга ишга келганман. Шу-шу милиция ҳаётим, умримнинг мазмунига айланди...

Чинакам оталар мустаҳкам кўприк, бақувват чинорга ўхшашади. Уларнинг ҳаёти, босган қадами, эл-юрт ўртасида орттирган обрў-этибори фарзандлар учун ибрат. Оталар ҳаммиша омон бўлишсин, фарзандлари уларга қувонч улашсин.

**Ражаббой РАҲИМОВ.**

Суратда: (чапдан) истеъфодаги милиция майори Вафо Элбеков ўғли, милиция подполковниги Отабек Элбеков ва набираси, милиция лейтенанти Аваз Элбеков.

Муаллиф олган сурат.

Қизилтепа тумани ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Тойир ака Олимов устози Йўлдош Очиловни йўқлаб бораётганини айтди.

– Бирга бормайсизми? – таклиф қилди у самимият билан. – Устоз кўп

Отахон ўзи хизмат қилган дамларни хотирлаб, бир зум хаёлга толди. Шу тобда илк бор эгнига милиция кийими кийган ҳаяжонли дамлари, ҳамкасблари, қизгин ҳаёт лавҳалари бир-бир кўз олдида ўтган бўлса ажабмас.

## КЕКСАЛИК САОДАТИ

Йиллар ички ишлар идораларида масъулиятли лавозимларда ишлаган, ҳозир ҳам бекор ўтирмайдилар. Фарзандлари, набираларини ёнларига олиб, фермер хўжалиги ташкил этганлар. Ерга меҳрлари баланд...

Йўл-йўлакай суҳбатлашиб, манзилга етганимизни сезмай қолдик. Бошқа хонадонлардан фарқ қилмайдиган оддий, шинамгина ҳовли. Йўлдош ота бизни очик чехра билан қарши олдилар.

– Отам Очил Кенжаев машъум қатагон йилларининг азоб-уқубатларини бошидан ўтказган инсон эди, – дея сўз бошлади у. – 1937 йилда уни отишга ҳукм қилишган. Яратганнинг марҳамати билан омон қолганлар. 1964 йилда олти орти ёшларида вафот этдилар.

Суҳбатимиз маҳзун хотираларни уйғотди. Отахоннинг йиллар из солган чехрасига бир зум маъносилик чўкди.

– Милицияда ишлаш болалик орзуингиз бўлса керак? – дейман уни суҳбатга тортиб.

– Ҳарбий хизмат пайтида ички ишлар идораларида ишлайман, деб ният қилгандим. Орзуим ижобат бўлди.

1962 йил Тошкентдаги ўрта-маҳсус милиция мактабини тугаллаб, Қизилтепа тумани ИИБ жиноят қидирув бўлимида иш бошлаганман. Шунга ҳам қирқ йилдан ошибди... У даврларда ҳозиргидек шарт-шароит, техника, алоқа воситалари қаёқда, дейсиз. Мана энди ишлайдиган давр келди. Ҳозирги ёшларга кенг имконият, шароит яратилмоқда.

Дастлаб инспекторликдан иш бошлаган Й. Очилов 1970 йилдан Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди, кейинчалик Навбахор тумани ИИБга раҳбарлик қилди. Хизматнинг оғир-енгил юкига бирдек елка тутиб, эл назарига тушди. Обрў-этибор топди.

– Қайсидир фарзандим туғилганида хизмат сафарига эдим, – дейди у юзларига кулгу югуриб. – Уйга қайтсам, аянғиз чақалоқни бағрига босиб ўтирибди.

– Хафа бўлманг аяси, – дедим ёнида бўлолмаганимдан хижолат чекиб. – Худо хоҳласа, шу ўғлимиз менинг ишимни давом эттиради.

Ўшанда фаришталар омин деган эканми, ҳозирги кунда бир эмас, уч нафар ўғлим ички ишлар идораларида хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, отахон гурур билан тилга олганларидек, у кишининг фарзандлари – Меҳриддин ака айни вақтда Навоий вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБда катта тезкор вакил, Завқиддин ва Ғайрат ҳам ички ишлар ходими. Бугунги кунда Йўлдош ота фарзандлари ва шогирдларига нафақат сўзи, ўғитлари, балки босиб ўтган машаққатли ва шарафли ҳаёт йўли билан ҳам ибрат бўла олади. Саккиз ўғил-қиз, йигирма етти нафар неваралар ардоғида кексалик гаштини сураётган пиру-бадавлат отахон ва у кишининг умр йўлдоши Бибиғул аянинг ҳавас қилса арзигулик ҳаёти, ширин, мазмунли суҳбатлари кўнгилга ёруғлик бахш этди.

**Нигора РАҲИМОВА.**

## ОТА СУПРАСИДА НОН ЕГАН...



меҳнат қилишмаганми? Тирикчилик, бир бурда нон топиш – қора қозонни қайнатиш учун не кўйларга тушишмаган? "Булар ўтмишда" деб эътироз билдириш мумкин. Лекин ҳаётнинг, тўғри, ҳалол яшашнинг моҳияти ўзгармаган-ку! Тўғри, бугун билан ўтмиш таққосланса ер билан осмонча фарқ бор. Оддий бир мисол: уйда, мактабда – яхши ўқийман деган болага ким тўсқинлик қилаяпти ёки ҳунар ўрганаман, ишлайман, пул топаман деганнинг қўлини ким ушлаб турибди?

Аравани қуруқ югуртириш билан иш битмайди. Елкасига юк, зиммасига мажбурият олманган киши қоқилиши тайин. Бир мисол айтсам, эшитасизми?

– Яхши бўларди, анчадан буён шу мавзуга моч бир суҳбатдош излайман, балки бир-биримизни тўлдирармиз, баҳслашармиз.

– "Дамас"нинг томида макка эккан "тадбиркор"

да-чуйда сотиш билан иш битмайди, бунақада қачон уйланаман? Қандай бўлмасин, Ҳаётнинг машинасини қўлга киритиб бўлак-бўлакларга ажратаман-да сотаман. Ҳеч ким билмайди. Қарабсизки, вада-ванг тўй", – дея хаёл қиладди.

Бировнинг молига ҳақ тўламай эгалик қилишга уриниш... Нажмиддинга ана шундай эгри ўй тинчлик бермасди. Хуллас, у ўйлаган режасини тунда амалга оширди – машинани ўғирлаб кетди. Эртасига "Дамас"нинг эгаси бу ҳақда Шофиркон тумани ИИБга хабар берди. Ҳафта, ўн кун, бир ой ўтди, ўғрининг дараги чиқмади. Нажмиддин то машинани бўлакларга бўлиб, сотиб, уйланмагунча "Дамас" топилмади. Куёв бола ўйлаган режасини осонгина амалга оширди. Аввал машинанинг олд ва ён томон ойналари, эшик, ўриндиқлар, рулни кўчирди, моторни туширди. Қисм-

дин маккага нима солди экан, бунча бўйдор бўлиб ўсмаса? Ўзи ҳам тиниб-тинчимас, меҳнаткаш-да... Нажмиддин мийиғида кулиб "Сенлар ҳам юрибсанлар-да гимирлаб, мана, мен – хотин кўйнимда, "Дамас" еримда, ўз-ўзимиздан кўпайиб, болалаб ётибмиз" деб кўярди.

Куёв боланинг сурурли ўйлари тугамай сир очилди. Ёшгина келинчак кўзида ёш билан эрини қамоқхонага кузатди...

– Чиндан ҳам ўйлатадиган мисол экан. Нажмиддин бундай ҳолга тушмаслиги мумкин эди. У меҳнат билан топаётган насибасига кўнганда, балки ҳаёти бошқача бўлармиди. Ахир у бировни қақшатиб топилган ўғри деган ном... Бу ном ҳали-бери унут бўлмайди-ку?..

– Шунинг учун оиласида яхши тарбия кўрган, уққан, амал қилган болалар камдан-кам адашади, – дея Отабек столи устидаги ойна остида турган бир суратга тикилиб қолди. – Хулқи, касби, обрўси билан танилган йигитларга ҳавас билан "Ота супрасида нон еган" деб баҳо берадилар...

Бехос эшик чертилди:

– Омонмисан, ўғлим? Сени кўргим келди, – дея хонага бир отахон кириб келди. Синчиклаб разм солсам, Отабек суратига тикилган қариянинг ўзгинаси.

У ўрнидан туриб кўришди. – Тўйга келувдим, – дея

XXI asr vabosi

# ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

Террорчилик ҳаракатлари қачон, қаерда содир этилишини олдиндан айтиб бериш мушкул. Уларнинг олдини олиш янаям қийинроқ. Аммо қутилмаган хавфга доимо шай туриш керак. Худди зилзила ёки ёнғин юз берганда қандай ҳаракат қилишни билгандай, кўпуровчилик содир этилганда ҳам нималар қилишни билиш лозим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кишининг хавфсизлигига аввало унинг ўзи масъул экан. АҚШдаги терроризм ва ички низолар масалаларини ўрганиш билан шуғулланувчи институт раҳбари Нейл С. Ливингстоун шундай ёзади: "Хушёр бўлинг. Хушёрлик – шахсий хавфсизликни таъминлашнинг калидидир. Хушёрлик бу ақл-хушингизни, сезгиларингизни шахсий муаммоларингизга, ишингизга ёки яқшанба куни бўладиган футбол мусобақасига эмас, хавф-хатар аломатларига қаратиш демакдир. Террорчи ёки жиноятчи пайт пойлайди, алаҳсиб қолишингизни кутади. Эсингизда бўлсин: ҳар бир дақиқада террорчи хуружга дучор бўлишингиз мумкин".

Демак, энг муҳими, кузатувчанлик ва хушёрлик экан. Юқоридаги қоида кўпларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Уни билишгина кифоя эмас, балки ҳамма вақт ва ҳар ерда амал қилиш зарур.

Авваламбор жамоат жойлари ва транспортда қаровсиз қолдирилган буюмлар (қутилар, сумкалар, бўш болалар аравачалари ва шу каби)га эътибор беринг. Ҳеч қачон қаровсиз қолдирилган юклар, портлаш қурилмалари ўрнатилиши эҳтимоли бўлган телефон будкалари ва ахлат идишлари ёнида турманг. Ав-



вало ҳақиқатан ҳам буюмларнинг эгаси йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Ўзбошимчалик билан бу нарсаларга тегманг, бошқаларнинг ҳам бундай қилишига йўл қўйманг. Агар шундай вазиятга тушсангиз, ички ишлар идораларига, Фавкулдда вазиятлар вазирлиги бўлинмаларига ёки Миллий хавфсизлик хизматига хабар беринг.

Кўпгина террорчилар портловчи қурилмаларни машиналарга ўрнатишаётганини ҳам унутманг. Атайлаб қолдириб кетилган рўқалар, магнитофонлар, болалар ўйинчоқларига кўзингиз тушса, хушёрликни оширинг. Замонавий технология бу нарсаларга ҳам бемалол портловчи қурилмалар ўрнатиш имконини беради.

Уйингиз, йўлагингиз олдида пайдо бўлган бегона ва шубҳали кишиларга эътибор беринг. Хусусан, улар ертўлалар, чордоқлар билан қизиқса хушёрлигингизни янаям оширинг. Уйингизга ижарачи қўймоқчи бўлсангиз, унинг шахси билан қизи-

қинг. Акс ҳолда тасодифан террорчига "шерик" бўлиб қолишингиз мумкин.

Йўлак ичидаги бегона кишилар ва нотаниш нарсаларга эътиборли бўлинг. Одатда портловчи қурилмалар кўп қаватли уйларнинг ертўлаларига, биринчи қаватига, ахлатхоналарга, зиналар остига ўрнатилади.

Шаҳарда, аэропортда ёки вокзалда бўлганингизда ойнаванд деворлардан узоқроқ юринг. Москва шаҳридаги ер ости йўлагиде содир этилган портлашда айнан ойна бўлақлари тегиб кўп киши жароҳатланган эди. Буни кўпуровчилик ташкилотчилари билишган, албатта.

Кўп одам тўпланадиган катта биноларда қўшимча (захира) чиқиш жойлари қаерда жойлашганлигига эътибор беринг. Мабодо мазкур бинода портловчи ёки кимёвий моддалар ёрдамида террорчилик ҳаракати содир этилса, бу сизнинг довдираб қолмаслигингизга ёрдам беради.



## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

20 ноябрда Туркиянинг Истамбул шаҳрида содир этилган портлашлар натижасида ўттизга яқин киши ҳалок бўлиб, тўрт юздан зиёд одам жароҳатланди. Террорчилар биринчи галда Буюк Британия ва Исроилнинг бош консулхоналарига талофат етказишни мўлжаллашган. "Ал Қоида" террорчилик гуруҳи содир этилган кўпуровчиликни ўз бўйига олди.

Шу куни Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги Туркияда янги террорчилик ҳаракатлари режалаштирилаётгани борасида маълумотларга эга эканлиги ҳақида баёнот берди. Тафсилотлар ҳозирча айтилмапти, аммо британиялик фуқароларга Туркияга сафар қилишни вақтинча тўхтатиш тавсия этилган.

Туркия махсус хизмати ходимлари мазкур портлашларни уюштирганликда гуноҳ қилиб етти кишини қўлга олди.



Ҳиндистоннинг Парбхани шаҳридаги мечитлардан бирида террорчилик ҳаракати содир этилди. Полиция вакилининг маълум қилишича, икки кимса мотоциклда келиб, мечит биноси ичига бомба улоқтириб, ўзлари воқеа жойидан яширинишган. Портлаш натижасида 21 нафар киши яраланди.

Буюк Британиянинг Эрондаги элчихонасига тунги соат 3.30 ларда номаълум киши машинада келиб, ёнувчи бомба улоқтирган. Бу хатти-ҳаракат оқибатида кичик ёнғин чиққан, аммо ҳеч ким зарар кўрмаган. Ҳозирча юз берган воқеа учун жавобгарликни бирор киши ёки ташкилот ўз бўйига олгани йўқ.

Бағдоддаги дўконлардан бирида жанговар граната портлаши натижасида тўрт киши ҳалок бўлиб, 20 фуқаро яраланди. Шунингдек, шаҳардаги хорижий журналистлар ва АҚШ компаниялари ходимлари яшайдиган "Шератон" ва "Фаластин" меҳмонхоналарига ҳам ракета зарбалари берилди. Оқибатда бир киши жароҳат олди.

Жума куни Париж шаҳрида босқинчилик содир этилди. Икки нафар қуролланган жиноятчи ломбардга бостириб кирди. Улар қурол ўқталиб, ходимлар ва миқозларни кўрқитиб, жами бир миллион евродан зиёд қийматдаги қимматбаҳо тақинчоқларни олиб кетишди. Улар ичида баҳоси 800 минг евро турадиган маржон ҳам бор.

Санкт-Петербург шаҳрилик шифокор Максим Петров умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. У 12 кишининг ўлими ва 50 марта босқинчилик ҳужуми қилганликда айбдор деб топилди.

Терговда аниқланишича, оқ халатли бу жиноятчи ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб ким уйига шифокор қақирганини аниқлаган. Беморларнинг хонадонига кириб, уларга ухлатувчи укол қилиб, пул ва қимматбаҳо нарсаларини ўмариб кетган.

23 ноябрь куни Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе истеъфога чиққанлигини маълум қилди. Мамлакатнинг янги президенти сайланганига қадар давлат раҳбари вазифасини 1999-2003 йилларда парламент раиси бўлган, 39 ёшли Нино Буржанадзе мамлакат Конституциясига биноан бажариб туради.

Грузия Конституциясига биноан муддатидан илгари мамлакат президентлигига сайлов 45 кун ичида ўтказилади.

Душанбага ўтар кечаси Москвадаги Халқлар дўстлиги университети талабалар ётоқхонасида кучли ёнғин юз берди. Натижада 30дан ошди киши ҳалок бўлиб, 140 дан зиёди жароҳатланди.

Ироқнинг Мосул шаҳрида америкалик икки нафар аскар ҳалок бўлди. Ироқ полицияси полковниги, нефть қазиб олиш қурилмалари хавфсизлигини таъминлашга масъул шахс Абдул Салам Канбар ҳам отиб ўлдирилди.

# СИЗГА ТАҲДИД ҚИЛИШСА...

Ҳозирги пайтда телефон террорчиларнинг портловчи қурилма ўрнатганлиги, одамларни гаровга олганлиги ҳақида хабар бериши, товламачилик ва дўқпўписа қилиши учун асосий воситага айланди. Одатда бундай хабар олган киши гангиб қолади, хавф-хатарни ҳаққоний баҳолай олмайди, бўлиб ўтган суҳбатдан имкон қадар кўпроқ маълумот тўплаш эса ёдидан кўтарилади.

Агар илгари ҳам уйингиз ёки ишхонангизга шу мазмунда кўнғироқ қилишган бўлса, яхшиси, телефон рақамини автоматик тарзда аниқлайдиган аппарат ва овоз ёзиш мосламаси ўрнатинг. Дўқпўписалар тугаши билан телефон рақамини ёзиб қўйинг, овоз ёзилган кассета (мини диск)ни олиб, ўрнига бошқасини қўйинг. Бу нарсалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тергов-суриштирув, тезкор қидирув ишларида катта наф беради.

Мабодо овоз ёзиш мосламаси ва телефон



рақамини аниқловчи аппаратингиз бўлмаса:

– бўлиб ўтган суҳбатни яхшилаб эслаб қолиб, қоғозга ёзиб қўйинг;

– суҳбат давомида кўнғироқ қилган кишининг жинси, ёши, нутқ хусусиятлари (овози баланд-пастлиги, тез-секин гапириши, талаффуз)ни эслаб қолинг;

– гапирувчининг ён-атрофидаги овозлар (транспорт шовқини, телерадиоаппаратуралар товуши ва шу каби)га эътибор беринг;

– шаҳар ёки шаҳарлараро телефондан кўнғироқ қилинганини аниқланг;

– суҳбат қай пайтда

бошланиб, қанча давом этганини ёзиб қўйинг.

Мулоқот чоғида иложи бўлса қуйидаги саволларга жавоб олиш керак:

– ким, қайси телефондан кўнғироқ қиляпти?

– унинг асосий талаблари нималардан иборат?

– у ўз талабларини илгари суряптими, воситачими ёки бирор гуруҳ вакилими?

– қандай шартларга кўра ўз талабларидан воз кечади?

– қачон, қандай қилиб у билан боғланиш мумкин?

– ушбу кўнғироқ ҳақида кимга хабар беришингиз мумкин ёки лозим?

Жиноятчиларнинг дўқпўписаларидан кўрқманг, суҳбат тугаши билан бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар беринг. Мабодо телефонни жиноятчилар зимдан эшитишларидан чўчисангиз, бошқа телефондан кўнғироқ қилинг. Тажриба шуни кўрсатадики, дўқпўписа ҳақида тез хабар берилмаса, вазият баттар мураккаблашади, жиноятлар содир этилади.

Дўқпўписа битилган хат олсангиз, уни эҳтиёт қилинг, иложи борича бармоқ изларингизни қолдирманг. Ҳужжатни букламанг, унга ёзманг, чизманг. Бундай хат-хабар битилган қоғозни елим халтага солиб, папка орасига қўйинг. Хат хатжилда келса, уни эҳтиёткорлик билан очинг, ичидаги нарсаларни ташлаб юборманг. Ҳужжат мазмунини ҳақида ҳаммага ҳам гапираверманг.

Буларнинг барчаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан криминалистик текширувлар олиб борилишида асқотади.

Турмуш чорраҳаларида

# «ОНАМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕР!»

Салима Тошкулга кўнгил кўйганида бахтли бўлишни жуда истаган эди. Турмуш қургач ҳам эрининг ҳар бир сўзи қалбидан жой оларди. Тўнғичлари туғилганида чақалоққа шодликларининг рамзи сифатида Дилшод, дея исм кўйишди. Кейин Азиза дунёга келди.

Аммо яна бир-икки йил ўтиб севишиб турмуш қурганлар ўртасидаги меҳроқибат, оилага садоқат ришталари бирин-кетин узилди бошлади. Нурли чехралардан қаҳр-ғазаб, ширин тиллардан эса куракда турмайдиган ҳақоратлар ёғилди, силаб-сийпашлар турткиларга, калтакларга айланди.


Ҳар нима бўлганда ҳам Салима икки норасидаси, ўз шаънини ўйлади. Яхши умидлар билан чиққан ота хонадонига бош эгиб бориш, эл-юрт олдида уларнинг юзини шувут қилишни истамади.

Орадан йиллар ўтиб, фарзандлари мактабга қатнайдиган бўлди. Салима эрига ачиқ қилиб икки марта отасиникига аразлаб кетди, Тошкул эса инсофга келмади. Ҳатто бир гал хотинини шунчалик қаттиқ урдик, Салима туман шифохонасида бир ҳафтадан ортиқ даволанди.

Аёл эрини қаматиб, ҳамма азоблардан қутулиши мумкин эди. Бироқ у болалари, рўзгорини ўйлади, балки энди тавба қилар деб умид қилди. Тошкулнинг хурмача қилиқлари эса барҳам топмади. У шиша идишдаги шайтоннинг қулига айланди. Шайтон уни хоҳлаган кўйига солар,

бунинг жабрини эса Салима тортарди. Маҳалла оқсоқолларию мавзе вакилларининг панд-насихатларини Тошкул писанд қилмади. Бир пайтлар гулдай хунари билан эл назарига тушган йигит ичкилик туфайли абгор кимсага айланди.

Ўғлининг ичкиликка муккасида кетиши Сафар отани ташвишга солмади. Қайтага, яқин шишадорш топилганидан хурсанд бўлди. Насихат қилиш ўрнига ота-ўғил бирга ичадиган одат чиқаришди. Салима тишини тишига кўйиб, чидади.



– Қизим, эрининг феълини биламан. Сенгям кийин. Ҳеч бўлмаса, болаларингни ўйла. Балки улар катта бўлгач, уялиб, бу қилигини ташлар...

Нурбой бобо қизини эриникига қайтариб олиб келиб кўяркан, куёви Тошкулга ҳам бир насихат қилиб кўймоқчи бўлди. Лекин у уйда йўқ экан. Қудасига ўғлингни тартибга чақиринг, рўзгорга ўзингиз бош-қош бўлинг, дея ортига қайтди.

Эртасига уйга маст бўлиб келган Тошкул яна жанжал кўтариб, хотинини кўчага ҳайдади. Кечагина отасининг даргоҳидан келган қиз энди қаерга борсин?! Салима ноилоҳ кўшниси Зиёданикидан кўним топди. Ярим кечаси изидан эргашиб борган болаларини олиб, уйга келди. Эри ҳали ҳам уйғоқ эди. Яна ўдағайлади. Салима ялиниб-ёлвориб уни тинчлантирди.

Орадан бир кун ўтди. Кайфи ошган эрининг дашномларини ўйларкан, Салиманингни юраги титради.

– Сендан хотин чиқмайди, кет дегандим, нега келдинг?

Бошланди. Салима индамади. Бу эрига менсимагандек туюлиб, уни турткилади:

– Ў-хў, тумшугингизга нарвон етмайди-ку! Эй, санга гапираяпман!

Хотинининг ер қизиб ўтириши, бир оғиз гапирмагани Тошкулнинг нафсониятига теғди. У тишини гичирлатди. Кейин нима қилганини ўзи билмай қолди. Эс-хуши жойига келганда Салиманингни сандик ёнида беҳуш чўзилиб ётганини кўрди...

Бир тўп одам тобутни галма-гал елкалаб бораяпти. Фамдан янаям гариб тус олган ҳовлида дили аламларга тўлган норасидалар мўлтираб қолдилар. Кемтик бўлиб қолган юракларидан тўғён урган нолалар кўзларидан сизиб чиқиб, аста ерга томчилади. “Художон, онамизни қайтариб бер!”

Абдураззоқ МУРОДОВ.

ҲИКМАТ

Юзсиз кишига

юзлансанг, эсиз,

Ўзинг ҳам охир

бўласан юзсиз.

Қилмиш-қидирмиш

## ТОМДА... НАША

Сирдарё туманилик Т. Акрамининг анчадан бери юриш-туриши бежо. Ҳеч қаерда ёлчитиб ишламайди. Аммо уйига келиб-кетувчилар кўп. Унинг тайинли касб-хунари йўқ одамлар ҳожатини чиқарадиган. Меҳмондўст деб ҳам бўлмайдики, келувчиларнинг биронтасига дастурхон ёзса... Акрамини сўраб келганлар ҳам ўзларини галати тутишади. Бир-бирларига синовчан қарашади, пана-панада сирли гаплашишади. Унинг серҳадик боқишларию, бежо юришлари кўни-кўшнилар, кейинчалик ички ишлар идоралари ходимларини ҳам қизиқтириб қолди.

Сирдарё вилояти ИИБ ҳамда республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Т. Акрамининг сири фош қилинди. Унинг уйдан томга ёйиб кўйилган 6 кг. ҳамда пойфазал қутиларига жойланган 3 кг. наша топилди.

М. ИБРОҲИМОВА.

Халқимизда “сутдан оғзи кўйган қатикни пуфлаб ичади”, деган доно нақл бор. Яъни, бир марта хатога йўл кўйган киши анча хушёр тортиб, уни бошқа такрорламасликка ҳаракат қилади. Бироқ, шундай кимсалар борки, ҳаётда неча марта қоқилсалар-да, ўз қилмишларини давом эттираверадилар. Бундайларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида беғуноҳ кишилар озор чекади. Ана шундай инсонлардан бири Ҳамроқул Атоқулов Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган. У оилали, 7 нафар фарзанди бор.

## ШИППАКДАГИ «ОҚ АЖАЛ»

Ҳамроқул илгари жиноят содир этгани учун ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинган эди. Лекин ўзига берилган имкониятдан фойдаланмай яна жиноят кўчасига кирди. Мўмай даромад топиш мақсадида гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш, сотиш билан шуғулланди.

Яқинда Бухоро вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ ходимлари уни жиноят устида қўлга олишди. Ҳамроқул Атоқулов пулламоқчи бўлган героин моддасини оёғидаги шиппакнинг пошна қисмига устамонлик билан жойлади. Бироқ синчков қонун посбонлари унинг хийласини фош этишди.

Ҳамроқул Атоқулов суд ҳукми билан 6 йилга озодликдан маҳрум этилди.

М. РЎЗИЕВ.

## МЕҲМОНХОНАДАГИ ЎФИРЛИК

Мавжудахон дарҳол меҳмонхона ходимасига учраб, хонага ким кирганлигини суриштирди.

– Хона қулфини шерингиз очолмаётган экан, ўзимдаги калит билан очиб бердим, – деди у. Улар меҳмонхона директорига учрашдилар. Директор шаҳар ИИБга мурожаат қилди. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан Наргиза қўлга олинди.

Фаргона шаҳрида истиқомат қилувчи У. Наргиза шаҳар суди томонидан икки марта озодликдан маҳрум этилган. Лекин у инсофга келиш ўрнига яна қинғир ишга қўл урди.

Инсонга умр деб аталмиш неъмат фақат бир марта берилади. Шундай экан, мазмунли ва ибратли ҳаёт кечирши кишининг ўзига боғлиқ. Қилғиликни қилгандан сўнг тўқилган кўз ёшлар, надоматлардан эса наф йўқ.

А. МАДУМАРОВ, милиция майори.

## ЭФИРДАГИ БЕЗОРИЛАР

устида радиодан ёқимли куй, кўшиқ ёки турли мавзулардаги эшиттиришларни тинглаш қандай мароқли. Аммо булар ўрнига радио тўлқинларидан бўлар-бўлмас гапларни эшитсангиз-чи?

Ҳазорасп тумани Хива кўчасида яшовчи Ж. Шухрат эфирни орзу қилган “радиоҳаваскор”лардан бири. Биз унинг радиотехникага қизиқшини ман эт-

моқчи эмасмиз. Лекин иқтидор, маҳорат бошқа бировларнинг азият чекишига олиб келмагани маъқул. Ички ишлар ходимлари томонидан Шухрат оғохлантирилиб, “фаолияти”га чек қўйилди.

Замон зайли билан алоқа воситаларининг янги турлари пайдо бўлдики, эндиликда яқин қариндош ёки бошқа бир танишингиз билан гаплашиш учун хонада те-

лефон олдида кутиб ўтиришга ҳожат йўқ. Лекин ана шу қулайликлардан фойдаланишнинг ҳам қонун-қондаси, давлат томонидан ўрнатиб қўйилган меъёрлари бор. Айрим ҳамюртларимиз эса буни унутиб қўйишмоқда.

Масалан, Урганч шаҳридаги Нажмиддин Кубро кўчасидан Ж. Қувондиқ Тинчлик кўчасидан Р. Қобил, Термиз кўчасидан Р. Санамжонлар қўлбола алоқа воситалари билан эфирга чиқишган. Оқибатда маълум радио тўлқинларда ишлайдиган идоралар ишига ҳалақит беришган. Ўтказилган тадбирлар натижасида бундай ўзбошимчаликка йўл кўйган бир нечта фуқароларнинг қинғир фаолиятига чек қўйилди.

М. АБДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти.

## БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Сирдарё вилояти ИИБ ХООБ вояга етмаганларга ижтимоий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига



2003 йил 11 ноябрь куни Меҳнатобод туманида қаровсиз, дайдиб юрган 15-16 ёшлардаги ўғил бола келтирилди. У кар-соқов бўлганлиги сабабли яшаш жойи, ота-онаси ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмади.

**Боланинги белгилари:** бўйи 150-155 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, кўзи қисик, жигарранг, малласоч.

**Кийимлари:** эғнида қора калта чарм камзул, оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бор.

Боланинги ота-онаси ёки қариндошлари юқоридаги марказга мурожаат қилишлари мумкин.

**Манзил:** Гулистон шаҳри У. Хайём кўчаси 4-уй.

**Телефон:** (код 8-3672). 27-61-81.

**Факс:** 8(3672) 25-38-29.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН


Сурхондарё вилояти Ангор тумани ИИБ томонидан 1959 йилда туғилган



**Абдурашул Шердонович ЧОРИЕВ** қидирилмоқда. У Ангор туманидаги М. Азизов номи ширкат хўжалигида яшаган. 2003 йил 11 сентябрь куни “Дамас” русумли, 19 I 1146 давлат рақамли автомашинасида чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, сочи қора қалин, кўзи қора қисик, қоши қора ёйсимон, кулоқлари ёпишган.

Мавсумий кийимда бўлган. **А. Чориевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига ёки Ангор тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.**



– Саппи, сен эфирга чиқмай тур. Мен Комиджоннинг тоққа тирмашган ашулаларидан қўяман. – Нурик, кеча ҳам шундай деб менингни ўрнимга чиққан эдинг. Учириб тур, эски матоҳингни. Ишдан келиб, бир пиёла чой

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Х. Насриддиновга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция подполковниги **Ҳасанхон НАСРИДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Салар шаҳар милиция бўлимининг бошлиғи, милиция майори Д. Азизовга отаси **ҲАБИБА** аялининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги милиция полковниги Қ. Бобоқуловга волидан мухтарамаси **РОЗИЯ** оналининг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Темирийул тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани А. Луқмоновга падари бузруквори **Нўмон ЛУҚМОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Анджон вилояти ИИБда ташкил этилган жанговар ва шон-шухрат музейи таъмирлангандан сўнг янги кўрғазмалар билан бойитилди. Музей залларига қўйилган ҳужжатлар Анджон милициясининг тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса, гиёҳвандликка қарши кураш ҳамда унинг фожиали оқибатлари акс эттирилган фотосуратлар аср вабосининг аянчли оқибатлари тўғрисида маълумот беради.

Музей экспозицияларида анджонлик динамочиларнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари ҳам ўрин олган.

**Суратда: Анджон вилояти ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги О. Йўлдошев ходимларга музей тарихи ҳақида сўзлаб бермоқда.**

**Б. КЛЕЙМАН олган сурат.**

## Ўқинг, бу қизиқ!

# ҒАРОЙИБ ТОПИЛМАЛАР

XIX асрнинг 20-йилларида Калифорниядаги олтин изловчилар қазилма ишлари чоғида европеид ирқига мансуб кўплаб одамларнинг скелет (суяк)ларини топишди. Уларни АҚШ ҳукумати қошидаги бош археолог раҳбарлигидаги олимлар гуруҳи чуқур ўрганишди. Мутахассислар одам қолдиқларининг "ёши" камиди ўн миллион йилга тенг деган хулосага келишди!

1852 йилда Глазго (Англия) яқинидаги кондан қазиб олинган кўмир парчаси орасидан темир асбоб топилди. Маълумки, тошқўмир сайёрамизда одам пайдо бўлишидан анча илгари ҳосил бўлган. Унда инсон қўли билан ясалган меҳнат қуроли кўмир қатлами орасига қандай тушиб қолади?

1882 йилда АҚШнинг Шимолий Каролина штатида тупроқнинг жуда қадимги қатламларида галати ҳайкалчаларни топишди. Уларда айиқ, ит, туя, бегемот, каркидон минган одамлар тасвирланган эди. Ваҳоланки туя, бегемот, кар-

кидон каби ҳайвонлар Шимолий Америкада умуман бўлмаган.

АҚШнинг Маринсон шахрилик хизматкор аёл 1891 йилда кўмирни бўлақлаётганда орасидан узунлиги 25 см, оғирлиги 192 грамм келади-ган тилла занжир чиққан. Давлат геология хизмати топилма 300 миллион йил аввал ясалганлигини аниқлади!

Одинцово шахридаги гишт заводидида экскаваторчилар ер қазийётганда тошдай қотиб қолган ... одам миясининг моделини топишди. Палеонтологлар бу модель пайдо бўлган пайтда ҳали Ерда ҳаёт бўлмаганлигини исботлашди.

Мазкур рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Хўш, бундан сайёрамизда цивилизация бир неча марта пайдо бўлиб, такомиллашиб, яна таназзулга учраган, деган хулоса чиқмайди? Шундай экан, инсоният ақл-идрок, инсоф билан иш юритмаса, яна қирилиб кетиши ҳеч гап эмас.

(N)

## Сўраган эдингиз...

# НИЗОМДА БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН

**Ички ишлар ходимларининг хизмат гувоҳномаси қандай ваколатларга эга?**

**Р. АШУРОВ,**  
Бухоро вилояти.

Ички ишлар ходимларининг хизмат гувоҳномаси уларнинг шахсини, ҳарбий, махсус унвонлари борлиги, ўқ отар қурол сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини берганлигини тасдиқлаш ҳамда хизматга оид барча масалаларни ўз вақтида ҳал қилишлари учун ваколат берувчи махсус ҳужжат ҳисобланади. У милиция ходимларига барча маъмурий биноларга кириб чиқиш ҳуқуқини беради.

Махсус расмийлаштирилмаган, ёзувлари ўчирилган, қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган ёки йўқотилган гувоҳномалар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2003 йил 23 апрелдаги буйруғига илова қилинган Низомда хизматдаги ходим фуқароларнинг талабига кўра ўз фамилияси, хизмат жойини айтиши ва хизмат гувоҳномасини кўрсатиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

## Сиз кутган учрашув

# «МУҲАББАТ ҲАҚИДА КУЙЛАМОҚЧИМАН»

**Манзура Йўлдошева Тошкент шахрида туғилган. 2003 йилда Ўзбек Давлат консерваториясининг эстрада бўлими бўйича магистратурани тугатган. "Ниҳол - 2002" мукофоти совриндори.**



– Санъат деб аталмиш улуг даргоҳга қадам қўйишингизга нима туртки бўлган?

– Ёшлигимда стоматолог бўлишни орзу қилардим. Дадам расом. Ўзим ҳам ахён-ахёнда расм чизиб турардим. Кейинчалик кўшиқчилик санъатига меҳрим ортиб борди. Алла Пугачёва, Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Кумуш Раззоқоваларнинг кўшиқларини ўзимча хиргойи қилиб юрардим... Катта сахнада илк бор 17 ёшимда ўзимни синаб кўрдим. "Ёлғизим" номли дуэт мухлислар ёдида бўлса керак.

– Кўшиқда кўпроқ нимага аҳамият берасиз: шеъргами ёки мусиқага?

– Кўшиқда шеър ва мусиқага бирдек эътибор бераман. Санъатда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, ана шундагина тингловчи қалбига етиб боради. Жон танага мусиқа орқали кирган, деган гап бекорга айтилмаган. Агар кўшиқларим мухлисларимга ёқса, демак бахтиёрман. Ҳали ўзимни профессионал деб ҳисобламайман.

– Бугунги ўзбек эстрадаси ҳақида фикрингиз қандай?

– Эстрада хусусида гапирадиган бўлсам, замон ривожланипти. Катта ёшдаги кишиларга ўзбекна кўшиқлар ёқади, ёшларга эса Европа усуллари. Ҳар бир инсоннинг маъқул кўрган кўшиғи, кўшиқчиси бўлади. Тўғри танланган репертуар эса ҳаммага бирдек манзур бўлади.

– Қайси бастакорлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?

– Кўшиқнинг яхши чиқишида куйнинг аҳамияти катта. Талиб Кулиев, Али Ниязимбетов, Шаҳнозлар билан кўпроқ ижодий ҳамкорлик қиламан.

– Манзура, сиз яқинда "Муҳаббат синовлари" фильмида кўшиқ куйлашдан ташқари кўпчилик ижодкорлар қаторида суратга ҳам тушдингиз. Таассуротларингиз қандай?

– Кино ҳаётимга унутилмас лаҳзалар тақдим этди. Маъмур Холмедов, Самандар, Шухрат Нуралиев, Али Ниязимбетов, Абдураим Абдувахобов, ёш, иқтидорли укамиз Дилшод Каттабеков ва бошқа кўплаб халқимизнинг сеvimли санъаткорлари билан биргаликда ишлаш, ижод қилиш менга завқ бағишлади.

– Баъзи санъаткорлар ички ишлар идоралари ходимларига бағишлаб кўшиқ айтган. Сизда ҳам шунақа ният борми?

– Улар бизнинг тинчлигимизни таъминлашади. Посбонларимизга бағишлаб катталарга ҳам, ёшларга ҳам бирдек ёқадиган кўшиқ айтишни хоҳлардим.

– Кўшиқларингизда куйланадиган бир мавзу борки, бу ҳақда гапирмасликнинг сираям иложи йўқ... Қачон турмушга чиқмоқчисиз?

– Севги ҳақида сўрамоқчимисиз? Менимча, муҳаббат бобида биринчи навбатда ўзаро ҳурмат бўлиши керак. Оилада шундай вазиятлар бўладики, ёлғиз қоласиз ёки худо кўрсатмасин, инсон қаттиқ касал бўлиши мумкин. Шу

оғир кунларда фақат турмуш ўртоғингиз парвона бўлади, ёнингиздан кетмайди. Аёл эрининг ишидаги муаммоларини ҳам билса, биргаликда маслаҳатлашса, оила мустақамлиги таъминланади. Турмушга чиқишга эса ҳали шошилаётганим йўқ. Ҳозир мен учун биринчи галда ижод қилиш...

– Ф. Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик кутқаради" деган гапига гўзал қиз сифатида нима дейсиз?

– Одам чиройли кийиниб юргани билан гўзал бўлиб қолмайди. Биринчи навбатда инсоннинг қалби гўзал бўлиши керак. Рухий гўзаллик дунёни кутқаради, деб ўйлайман.

– Кайфиятингиз тушиб кетган пайтда нима қиласиз?

– Мусиқа эшитаман, ўзим ёқтирган клипларни кўраман.

– Ҳаётдаги шиорингиз?

– Пок йўлни танлаб, бировнинг дилини оғритмасдан, олға юриш.

– Яқинда қандай китоб ўқигансиз? Сўнги марта қачон театрга тушгансиз?

– "Клеопатра"ни ўқиб тугатдим. Ўзбек Миллий академик драма театрига "Гамлет" спектаклига тушдим.

– Яқин кунларда яна қайси мавзуда кўшиқлар куйламоқчисиз?

– Муҳаббат мавзуида.

– Тилақларингиз.

– Ватанимиз тинч бўлсин. Шунда ҳаммаси: ижод ҳам, ўйин-кулгу ҳам бўлаверади.

**Шерзод АБДУСАМАНОВ**  
сўхбатлашди.

**Энига: 1.** Бразилия пул бирлиги. **6.** Ўзбекистон жанубидаги тоғлик. **10.** "Морена Клара" сериалидаги образ. **11.** Санъат соҳаси. **12.** Касалликнинг кучайиш ҳолати. **13.** Қитъа. **20.** Тошкентнинг қадимий дарвозаси. **21.** Текшириш, таҳлил сўзининг китобий атамаси. **25.** Куёшни ҳам ўз ичига олган сайёралар тизими. **31.** Пазандалик анжуми. **32.** Маълум иш, даволашни бир марта амалга ошириш. **33.** Хоразмлик ҳукмдор ва шоир, бастакор. **34.** Она тилидан ёзма иш. **35.** Цирк артисти.

**Бўйига: 1.** Абдурахмон Жомий таърифчи:


**Ичи гунча каби варақ-варақдур.**

**Қимматда ҳар варақ табақ-табақдур.**

**2.** Чаҳорёрлардан бири. **3.** Либос қисми. **4.** Узоқ, давомли йўл. **5.** Хўл мева. **6.** Баҳо ўлчови. **7.** Либоснинг чок билан тикланган қирғоғи. **8.** Қазилма ёқилги. **9.** Ўлим-тиқлар билан озиқланадиган йиртқич қуш. **14.** Автомобиль маркази. **15.** Вазн ўлчови бирлиги. **16.** Галбидлар оиласига мансуб кимёвий элемент. **17.** Орзу. **18.** Қадимда буйруқ, фармойиш. **19.** Нон тури. **22.** Маҳсулотнинг сотилмай қолиши. **23.** Оила мол – мулки. **24.** Ҳарир тола. **25.** Фарбий Африкадаги давлат. **26.** Механик зина. **27.** Баллиқ тури. **28.** Уялиш туйғуси. **29.** Ижод маҳсули. **30.** Дунё томони.

**Ф. ОРИПОВ тузди.**

# КРОССВОРД



**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** 7. Спидометр. 11. Борт. 14. Шафе. 15. Боливар. 16. Гувоҳ. 17. Азиза. 21. Бодринг. 22. "Реал". 23. Дено. 27. Дискотека.

**Бўйига:** 3. Арпа. 4. Рота. 8. Ойдин. 9. Орангутан. 10. Ланкастер. 12. Водород. 13. Фарзанд. 19. Бруно. 24. Қирқ. 25. Укки.

**Ёйлар бўйича ўнгга:** 1. Марварид. 6. Академик. 20. Силвосин. 29. Тегирмон.

**Ёйлар бўйича чапга:** 1. Молибден. 6. Аквариум. 18. Увертюра. 28. Қўқарға.

**Ёйлар бўйича:** 2. Риал. 5. Вена. 26. Юмор. 30. Сейм.

**ЎЗБЕКISTON**  
**RESPUBLIKASI IIV**  
**BIRLASHGAN**  
**Tahririyati**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir**  
**Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod**  
**TILLAYEV**  
Mas'ul kotib  
**Rahmatilla**  
**BERDIYEV**

Navbatchi  
**Qobiljon**  
**SHOKIROV**  
Sahifalovchi  
**Zokir**  
**BOLTAYEV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88.  
mxbirlar bo'limi  
139-77-23, 59-27-15.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma № — 1. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 44230 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda  
«Postda»dan olinganligini  
ko'rsatish shart.  
● Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
● Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

O'zbekiston Matbuot va  
Axborot agentligining  
«O'ZBEKISTON» nashriyoti  
bosmaxonasida bosildi.

Korxonamanzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

● — Internet va xorijiy  
matbuot vositalari asosida  
tayyorlandi.